Бугунги сонда:

ЎЗИ ХОН, КЎЛАНКАСИ МАЙДОНМИ? 2

БАҒРИКЕНГЛИК – ЮРТИМИЗНИНГ ТАШРИФ ҚОҒОЗИ 2

ФАСЛЛАРНИНГ КЕЛИНЧАГИ 4

ЁРУҒЛИККА ИНТИЛИБ ЯШАНГ 4

BIZDAN OZOD VA OBOD VATAN QOLSIN!

ANDIJONNOMA

Gazeta 1921-yil 30-maydan chiqa boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy gazeta ■ www.auz.uz ■ № 18 (19623) ■ 2019-yil 2-mart Shanba ■ ISSN 2010-5622

ЎЗБЕКИСТОН-ҚИРҒИЗИСТОН:

ОЛТИН КЎПРИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари ўртасида дўстлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Икки давлат томонидан кўп йиллик биродарлик ришталарининг қайта боғланишига эътибор кучайди.

Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ибрагим Джунисов вилоятимизга ташриф буюрди. Элчи жаноблари андижонлик тадбиркорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганини юқори баҳолади. Бу нафақат ўзбекистонликлар, айни вақтда қўшни давлатлар учун ҳам самарали эканлиги эътироф этилди.

Хорижий ҳамкорлар билан олиб борилаётган ишлар ижобий натижа бермоқда. Вилоятимиздаги 208 та хорижий корхоналарнинг 12 таси Қирғизистон билан ҳамкорликда фаолият юритяпти.

Меҳмонни вилоят ҳо-

лаётгани, давлат чегаралари бўйича тарихий келишувларга эришилгани ва дўстлик алоқалари учун кенг имкониятлар, Андижонда яшаётган қирғиз миллатига мансуб 105 минг нафардан зиёд аҳоли ҳаётидан мамнунлиги қайд этилди.

Элчи амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини, "Обод қишлоқ" дастури доирасида замонавий қиёфага кирган манзиллар сони ортиб бораётганини юқори ба-

МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁНДА

вилоятимизда 880 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайланади

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

2019 йил 15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори матбуотда чоп этилди. Мазкур ҳужжатнинг вилоятда бажарилишини таъминлаш мақсадида жорий йил 23 февраль куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қарори қабул қилинди. Унга кўра шу йилнинг май ойида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловида шаҳар ва туманларимизда 880 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайланади.

Жараённи ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиянинг таркиби, тадбирлар режаси, сайлов бюллетенлари намунаси тасдиқланди. Комиссия аъзолари сайловни ташкилий-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан таъминлаш, уни ташкил этиш ҳамда ўтка-

ҳужжатлари меъёрларини кенг тушунтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланяпти.

Мазкур воқелик мамлакатимизда шаклланган демократик сайлов тизимининг узвий қисми бўлиб, унда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этади. Бу жи-

ят яратади.

Сайловларда кўпроқ фуқароларнинг иштирокини таъминлаш мақсадида ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқаролар вакиллигининг минимал нормаси белгиланди. Бунда ҳар бир ҳудуднинг аҳоли сони инобатга олинади. Жумладан, фуқаролар вакиллигининг минимал нормаси сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлганларнинг 12 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқаролар вакилларига нисбатан зарур талаблар ўрнатилди. Хусусан, қоида тариқасида ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлганлар вакил бўлиши мумкин. Раис (оқсоқол) лавозимига номзод фуқаролар вакиллари ёхуд уларнинг

ҳида тузилган республика кўмаклашувчи комиссияси шуғулланади. Жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида сайлов санаси, вақти ва жойи, раис (оқсоқол) лавозимига номзодлар тўғрисидаги ахборот ҳудудлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

Сайловлар 2019 йилнинг май ойида ўтказилади ва яширин овоз бериш тизими ўрнатилади. Энг муносиб номзоднинг фуқаролар йиғини раиси сифатида сайланиши юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга.

Жорий йилнинг май ойида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик ишлари бошланди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси тасдиқланиб, унинг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди.

ИЗЧИЛЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Ишлаб чиқилган иш режаси ва тақсимотга асосан комиссия аъзолари ўзлари бириктирилган шаҳар ва туманларга чиқиб, жойлардаги кўмаклашувчи комиссиялар фаолиятини ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Тегишли услубий тавсиялар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг босма ва аудио тўпламлари тайёрланди. Вилоят телерадиокомпаниясида сайловга оид давра суҳбати ўтказилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил

нинг истиқболли лойиҳалари билан танишди. Тиббиёт ривожига қаратилган ""Zamin Bio Health" ва " Макро фарм Андижон" масъулияти чекланган жамиятларида бўлди. Тадбиркорлар томонидан импорт ўрнини босувчи инсулин ва шприц

кимининг уринбосари Иброҳимжон Холматов қабул қилди. Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик янада ривож-

ҳолади. Дўстлик ва қўшничилик муносабатлари олтин кўприкка айланади, дея ишонч билдирди.

Акбаржон НАЗАРОВ.

Суратда: Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ибрагим Джунисов корхона билан танишмоқда.

Хурсандбек АРАББОЕВ *олган сурат.*

зишда манфаатдор давлат органлари, жамоат ташкилотлари олдида турган устувор вазифаларни бажаришга эътибор қаратмоқдалар. Жараённинг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, сайлов тўғрисидаги қонун

ҳатларга янги қонунда алоҳида эътибор қаратилган. Раис (оқсоқол)нинг ваколат муддати икки ярим йилдан 3 йилга узайтирилди. Бу етакчининг билим ва бошқарув қобилиятини тўлиқ намоён этишига имкони-

яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, у вакиллар таркибидан чиқарилади.

Эндиликда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш масаласи билан Олий Мажлис Сенати Кенгаши томониданало-

Муҳаррамхон РАҲМОНОВА,
халқ депутатлари вилоят ҳамда Андижон шаҳри Кенгашлари депутати, вилоят кўмаклашувчи комиссия аъзоси.

этиш ва ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни умумлаштирувчи вилоят штаби фаолият олиб бормоқда. Савол ва таклифлар билан қуйидаги телефонларга мурожаат этишингиз мумкин:

223-24-97,
(+998) 99-900-19-14.

ПРЕЗИДЕНТ ИМЗОСИ БИЛАН

ХАЛҚ МАНФААТИ, МАҚСАД-ХОҲИШИ – УСТУВОР ТАМОЙИЛ

"Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги (2019 йил 25 февраль) қарорга асосан, мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини мониторинг қилиш ва баҳолаш миллий тизими яратилади. Аҳолининг давлат органлари фаолиятидан қониқиши даражасини ошириш мақсадида "Давлат хизматларининг сирли мижози" институти жорий этиладиган бўлди.

***

"Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги (2019 йил 22 февраль) Фармонга биноан, "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази қайта ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгиланди.

***

"Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тартибини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарорда 2019 йилдан бошлаб чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқароларимиз март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши белгиланди. Илгари бу жараён январь-февраль ойларида амалга оширилар эди.

***

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида" ги (2019 йил 26 февраль) қарорга мувофиқ, Самарқанд шаҳрида мазкур фестиваль ўн иккинчи марта 2019 йил 26-30 август кунлари ташкил қилинади. "Шарқ халқлари анъанавий мусиқа санъатини ривожлантириш истиқболлари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳам ўтказилади.

***

"II Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида" ги (2019 йил 26 февраль) қарорга кўра, Шаҳрисабз шаҳрида мазкур анжуман иккинчи марта 2020 йил сентябрь ойининг биринчи ярмида ўтказилади. "Ёш мақом ижрочилари", "Мақом йўлида яратилган энг яхши асар" номинациялари бўйича республика танловлари бўлади. 2020 йил 1 августга қадар халқаро илмий-амалий конференция дастури ишлаб чиқилади. Шаҳрисабзда Мақом музейини бойитиш чоралари кўрилади.

Сиёсат ва маънавият бўлими.

Асака туманидаги автомобилларга бутловчи буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 11 тага етди. Уларда меҳнат қилаётган 300 нафардан зиёд ишчилар ишлаб чиқараётган 98 турдаги маҳсулот сифатлилиги билан турдош корхоналарникидан фарқ қилади.

ОРТИҚЧА ХАРАЖАТГА ЎРИН ЙЎҚ

"Kapital Rudder Technology" акциядорлик жамияти 2003 йилда Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида барпо этилган. 20 нафар мутахассис билан иш бошлаган корхона "GM Uzdekistan" автомобиль заводида ишлаб чиқарилган "Дамас","Матиз", "Нексия" автомашиналарига шовқинни тўсувчи тўшама ишлаб чиқара бошлаган.

2007 йилда корхонанинг Асака шаҳрига кўчиб келиши билан йўл харажати иқтисод қилинди, буюртмачига маҳсулотни ўз вақтида етказиб бериш имкони туғилди. Айни пайтда 50 нафар ишчи томонидан тайёрланаётган 49 та буюм 4 чақирим нарида жойлашган заводга пешма-пеш етказиб берилмоқда. 20 минг дона қисмларни етказиб бериш бир кунда икки марта амалга оширилмоқда.

– Хом ашёни Фарғона вилоятидаги ишлаб чиқарувчилардан харид қиламиз, – дейди корхона таъсисчиси Салимахон Тошқўзиева. – Нархи арзон тўшама Россия технологиялари асосида олиб, ишимизда туб бурилиш ясадик. Айни пайтда 21 хилдан иборат бўлиб, 7 миллион дона маҳсулот ишлаб чиқариш

иш ўрни яратибгина қолмасдан, маҳсулотни экспорт қилиш имконига ҳам эга бўламиз.

"Ойназар" хусусий корхонаси автомобилларга пластмассадан иборат майда деталлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

– Илгари атиги 3 турдаги маҳсулот тайёрлардик, – дейди корхона муҳандиси Ҳабибуллло Халилов. – 120 минг АҚШ долларига Хитой технологиясини сотиб ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили 480 минг АҚШ доллари эвазига Корея давлатидан янги ускуна сотиб олдик. 40 та янги

қувватига эгамиз.

Бу ерда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни маҳаллийлаштириш эвазига буюртмачи эҳтиёжини қондириш, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. 4 хил турдаги маҳсулот

автомобиль заводи мутахассислари томонидан юқори баҳоланди.

Асака туманида 2018 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш кўрсаткичи аввалги йилдагига нисбатан 189,3 фоизга ортди. Янги истиқболли лойиҳалар туфайли ортиқча харажатнинг олди олинмоқда.

Саминжон ҲУСАНОВ,
Суратда: "Ойназар" хусусий корхонаси ишчиси Донохон Маннопова.
Хурсандбек АРАББОЕВ *олган сурат.*

ТЕСТ СИНОВЛАРИ: ЎЗГАРИШЛАР, ИМТИЁЗЛАР

АБИТУРИЕНТЛАРНИ НИМАЛАР КУТЯПТИ?

Мамлакатимизда олий таълим бўйича имтиёз ва имкониятлар яратилаётганини таъкидлаш жоиз. Зеро, бундан давлат, жамият, оила тенг манфаатдор бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан яқинда кенг аҳоли муҳокамасига қўйилган "Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор лойиҳасида нималар ҳақида гап боради ва қандай ўзгаришлар кўзда тутилмоқда? Марказнинг Андижон вилояти бўлими бошлиғи Ҳусниддин Алиев билан суҳбатимиз шу мавзуга бағишланди.

– Олий таълим муассасаларига қабул жараёнини ва Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш, хусусан, имтиҳон фанлари блокларини кенгайтириш, – дейди у. – Тест ўтказиш тартиби ва муддатларига ўзгартиришлар киритиш, абитуриентларга учтагача олий таълим муассасаси таълим йўналишида танловда иштирок этишига имконият яратиш мақсадида кун тартибига қўйилди.

– Бу йил олий таълим муассасаларига қабул жараёнида қандай янгиликлар кутилмоқда?

– Қарор лойиҳасига кўра, 2019-2020 ўқув йили қабулидан бошлаб:

– амалдаги тартибни ўзгартирган ҳолда олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш тест синовларини июль-август ойларида ўтказиш;

Давоми 2-бетда

Одил судлов амалиёти

Жиноят ишлари бўйича вилоят судида ўқув-семинар машғулоти бўлиб ўтди.

Унда фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш, ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш, суд идоралари, судьялар фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Одил судловни таъминлашда ҳужжатлаштириш ишлари қонун меъёрларига тўла-тўкис мос келиши зарур. Шуни инобатга олиб семинар иштирокчиларига суд мажлисида юритиладиган баённомалар тартиб-қоидалари бўйича ишлаб чиқилган қўлланма тарқатилди. Мазкур қўлланма республика миқёсида илк бор нашр этилган бўлиб, амалий аҳамиятга эга.

К. РАСУЛОВ.

Сенат Ўзбекистон ва Россия хукуматлари ўртасида харбий хаво кемаларнинг мамлакатлар хаво худудидан фойдаланишини маъкуллади

2 март – Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун

БАҒРИКЕНГЛИК – ЮРТИМИЗНИНГ ТАШРИФ ҚОҒОЗИ

БМТ фаолиятининг энг муҳим йўналиши дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдир. Диний маънавий-маърифат, аждодлар меросини ўрганиш, ёшлар тарбиясини такомиллаштиришда халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик одатий тусга кирди. Президентимизнинг хорижий давлатлар, узоқ ва яқин қўшнилар билан ҳар томонлама алоқаларни йўлга қўйишга оид ташаббуслари диний соҳани ҳам қамраб олмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2018 йил 19 сентябрда бўлиб ўтган 72-сессияси минбаридан туриб давлатимиз раҳбари бутун дунё диққат-эътиборини мана шу масалага қаратди. БМТ Бош Ассамблеясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюция қабул қилиш таклифини илгари сурди. Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат лойиҳасини БМТ га аъзо 193 та давлат қўллаб-қувватлади ва элликдан ортиқ давлатлар ҳаммуаллифлигида қабул қилинди.

Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи юксалаётгани инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланаётгани билан чамбарчас боғлиқдир. Беш турдаги визаларни очиш ҳамда ҳужжат тизимини соддалаштириш, хорижий давлатларда даволаниш, [illegible]

манфаатдор кучлар террор тушунчасини тинчлик ва инсонпарварлик дини бўлган муқаддас Ислом билан ёнма-ён қўйиш ҳамда зўравонликни фақат Исломга боғлаш орқали 1,6 миллиардлик дунё мусулмонларига нисбатан салбий кайфиятни шакллантиришга уринмоқдалар. Исломофобияни кенг ёйишга қаратилган ҳаракатлар кузатилмоқда. Мана шунинг учун ҳам инсонпарварликни ташриф қоғозига менгзаган Ўзбекистон ғояси – "Маърифат ва диний бағрикенглик" тўғрисидаги резолюция экстремизм, терроризм муаммоси авж олиб, турли дин ва эътиқод вакилларига нисбатан тоқатсиз, муросасиз муносабатлар кузатилаётган бир вақтда юзага чиқди. Унда маърифат, таълим-тарбия масаласи кун тартибига қўйилди.

Мамлакатимизда БМТнинг қатор таркибий тузилмалари – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, Тараққиёт дастури, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури ваколатхоналари фаолият кўрсатаётир. Халқаро туризм изчил ривожланмоқда. Бунда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО билан ҳамкорлик алоҳида эътиборга молик. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Қўқон, Термиз шаҳарларидаги кўплаб обидалар ЮНЕСКОнинг Бутунжа-

Давоми. Боши 1-бетда

АБИТУРИЕНТЛАРНИ НИМАЛАР КУТЯПТИ?

– энг юқори баллнинг 30 фоизи ва ундан юқори баллни тўплаган абитуриентларга фанлар бўйича тест синовлари натижалари акс этган, 3 йил муддатга амал қиладиган сертификат бериш ҳамда уларга учтагача таълим йўналишида танловда иштирок этиши учун имконият яратиш;

– абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаларини танлашда имтиҳон фанлари блоки ва кетма-кетлигининг мослигини эътиборга олиш;

– тест синовларини 2018 йилги тажрибадан келиб чиқиб, катта сиғимли бино ва иншоотларда ҳамда зарурият-га мувофиқ қўшимча бинолар-да ўтказилишини давом эттириш кўзда тутилган.

– **Қарор лойиҳасида 2020-2021 ўқув йили қабулидан бошлаб бешта фандан тест синови ўтказилиши белгиланмоқда экан:**

– Тўғри. Ўқувчиларнинг билим даражаси ва фикрлаш доирасини кенгайтириш мақсадида хориж тажрибасини қўллаш таклифи билдирилябти. Бунда:

– тест фанлари мажмуасини икки бўлимга ажратиб, 1-бўлимга барча тест топширувчилар учун мажбурий 3 та фан – она тили, математика ва Ўзбекистон тарихи, 2-бўлимга даъвогарлик қилинаётган таълим йўналишига мос иккита фанни киритиш;

– ёшларнинг она тили бўйича саводхонлигини ошириш ва аниқлаш мақсадида ёзиш кўникмаларини баҳолаш учун ўзбек тили, рус тили, қорақалпоқ тили фанлари бўйича алоҳида синовларни ташкил этиш юзасидан таклифлар ҳам лойиҳадан ўрин олган.

– **Республикамиз пойтахти ёки бошқа жойлардаги олий таълим муассасаларига ўқишга кирмоқчи бўлганларнинг энди у ёққа боришлари шарт эмаслиги белгиланган. Демак, андижонлик абитуриент танлаган ОТМларига шу ернинг ўзида имтиҳон топширар экан-да...**

– Бу катта имконият ва имтиёздир, вақт ва маблағ тежалади.

Абитуриент бир вақтнинг ўзида 3 та таълим йўналишида (учтагача олий таълим муассасасида фанлар мажмуасига мувофиқ келувчи жами учта таълим йўналишида) танловда иштирок этиши белгиланмоқда. Бунда тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси ва уларга балл бериш кетма-кетлигининг мослиги эътиборга олинади.

Аниқроқ айтганда, абитуриент жорий ўқув йили қабули учун ўтказиладиган кириш тест синовларида математика (3.1 балл), физика (2.1 балл), она тили ва адабиёт (1.1 балл) фанларидан иборат бўлган 3 та таълим йўналишини, масалан, ЎзМУнинг "Математика", ТДТУнинг "Энергетика" ва Урганч давлат университетининг "Математика" таълим йўналишларини танлаши мумкин.

– **Абитуриентнинг учта ОТМга ҳужжат топшириши мумкинлигини кенгроқ шарҳлаб берсангиз... У уччаласига учта ҳужжат тайёрлайдими ёки?..**

– Йўқ. Чунки у давлат хизматлари марказидан рўйхатдан ўтиш чоғида топширган аризасида қайси ОТМларни танлаганини кўрсатади ва ўшанда берилган ҳужжатлар ҳар уччала таълим муассасаси учун етарли бўлади.

– **Тест синовларида иштирок этиш пулли бўлиши ҳақида айтилган, шарҳлаб берсангиз...**

– Жорий ўқув йилида олий таълим муассасасига кириш имтиҳони учун энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида тўлов қилиниши хусусида фикрлар мавжуд. Бундай йиғим фақат олдинги ўқув йилларида таълим муассасаларини тугатган абитуриентлардангина ундирилиши назарда тутилган. Жорий йил битирувчилари учун тест синовлари бепул, улар талабалик учун ҳеч қандай тўловларсиз имтиҳон топширишади.

Ушбу ҳужжат лойиҳа мақомида экан, ҳозирча унинг ҳар бир бандини алоҳида шарҳлаш шарт эмас. Амалиётга татбиқ этилгач, бу йилги ва кейинги ўзгаришлар ҳақида кенг тушунчалар беришга ҳаракат қиламиз. Бу, олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари адолатли, шаффоф ва холис ўтишига кўмаклашади, деган умиддамиз.

Суҳбатни **Нажмиддин ЭРГАШЕВ** олиб борди.

ТИББИЁТ ЖОНКУЯРЛАРИ

Кўнгилларга малҳам

...Мўъжазгина ўриндиқда хиёбондаги арчаларга завқ билан термилиб ўтирган, сочларига оқ оралаган кишини кўриб, палатадоши гап қотди:

– Ҳамиджон ака, кўз тегмасин, бугун анча ўзингизга келиб қолибсиз.

– Э, нимасини айтасиз, яхшиямки Ҳабибулло духтур бор – жонингга оро киради. Юрак дардида кўп жойларга бордим: Тошкенту Москва ҳам қолмади. Ажабки, Пойтуққа, Ҳабибуллонинг шифохонасига келсам, енгил тортаман.

Интернатура унга малака мактабини ўтади. Вилоят кардиология диспансерида ишлаб, бой тажрибага эга бўлди. АДТИда илмий изланишга қўл урди, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Бир неча бор кардиологларнинг халқаро конгрессларида иштирок этди. Кейинчалик, Избоскан тумани тиббиёт бирлашмасида минглаб беморларга



ХИЗМАТ ТИЗИМИДА

Қоғозбозликсиз ечим

Давлат хизматлари маданиятини юксалтиришда, электрон тизимни оммалаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Марказимизда ҳамда электрон маконда фуқароларнинг фикрларини ўрганиш мақсадида сўровлар ўтказилди. Таҳлил муомала маданияти борасида, ортиқча ҳужжатлар талаб қилинишида, ижро интизомида камчиликлар мавжудлигидан кўпчилик норози эканлигини кўрсатди.

Бугун марказимизда хизмат турлари сони 139 тага етди. Айни